

Тошкент шаҳар  
Ҳамза тумани тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатга олиш  
инспекциясининг  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 й.  
-сонли қарори билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган

“ТАСДИҚЛАНГАН”

«G’alla-Alteg» АЈнинг  
2015 йил 29 майдаги акциядор  
лар умумий йиғилишида

«G’alla-Alteg» акциядорлик жамиятининг  
Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар

| Эски тахрирда   | Янги тахрирда  |
|---|--|
| <b>4-модда, 4.1.банди</b>   | <b>4-модда, 4.1.банди қуйидагича ўқилсин</b>   |
| 4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.   | 4.1. Жамиятнинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.  |
| <b>4-модда, 4.2. банди</b>  | <b>4-модда, 4.2. банди қуйидагича ўқилсин</b>  |
| 4.2. Жамиятнинг Устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва уставга шунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.  | 4.2. Жамиятнинг Устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва уставга шу каби тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.  |
| <b>4-модда, 4.7.банди</b>   | <b>4-модда, 4.7.банди қуйидагича ўқилсин</b>   |
| 4.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.   | 4.7. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.  |
| <b>4-модда, 4.8.банди</b>   | <b>4-модда, 4.8.банди чиқарилсин</b>   |
| 4.8. Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.  |  |
| <b>12-модда, 12.2. банди</b>  | <b>12-модда, 12.2. банди қуйидагича ўқилсин</b>  |
| 12.2. Бошқарув Раиси билан ишга ёллаш шартномаси (контракт) уни узайтириш (шартномани қайта тузиш) ёки уни тўхтатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда 1 йил муддатга тузилади. Жамият номидан шартномани Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаш ваколат берган шахс имзолайди. Жамият Бошқарув раиси ва филиалларнинг раҳбарлари раҳбарлик ва касбий маҳоратга эга бўлган номзодлар Кузатув кенгашининг таклифига биноан “Ўздонмахсулот” АК, Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан муқобиллик асосида танланади ва Кузатув кенгашига тайинлаш, ҳамда акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тавсия этилади. | 12.2. Бошқарув Раиси билан ишга ёллаш шартномаси (контракт) уни узайтириш (шартномани қайта тузиш) ёки уни тўхтатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда 1 йил муддатга тузилади. Жамият номидан шартномани Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаш ваколат берган шахс имзолайди. Жамият Бошқарув раиси, директорлари ва филиалларнинг раҳбарлари раҳбарлик ва касбий маҳоратга эга бўлган номзодлар одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. |